

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т.04.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ**

**АТАБАЕВ ФАРРУХ БАХТИЯРОВИЧ**

**ИККИЛАМЧИ МИНЕРАЛ ХОМАШЁ РЕСУРСЛАРИ АСОСИДА  
ЭНЕРГИЯ СИҒИМИ КАМ КЛИНКЕРЛАР ВА ЦЕМЕНТЛАР ОЛИШ  
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**02.00.15 - Силикат ва қийин эрийдиган нометалл материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2018**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**  
**Content of the abstract of dissertation doctor of science (DSc)**

**Атабаев Фаррух Бахтиярович**

Иккиламчи минерал хомашё ресурслари асосида энергия сиғими кам  
клинкерлар ва цементлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш..... 3

**Атабаев Фаррух Бахтиярович**

Разработка технологии получения малоэнергоёмких клинкеров и цементов на  
основе минеральных вторичных сырьевых ресурсов..... 27

**Atabaev Farrukh Bakhtiyarovich**

Development of technology for production of low-energy clincers and cements on  
the basis of mineral secondary raw material resources ..... 53

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 57

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т.04.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ**

**АТАБАЕВ ФАРРУХ БАХТИЯРОВИЧ**

**ИККИЛАМЧИ МИНЕРАЛ ХОМАШЁ РЕСУРСЛАРИ АСОСИДА  
ЭНЕРГИЯ СИҒИМИ КАМ КЛИНКЕРЛАР ВА ЦЕМЕНТЛАР ОЛИШ  
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**02.00.15 - Силикат ва қийин эрийдиган нометалл материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2018**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.DSc/T118 рақами билан рўйхатга олинган**

Докторлик диссертацияси Умумий ва ноорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tkti.uz](http://www.tkti.uz)) ҳамда “Ziyonet” Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Эминов Ашраф Мамурович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Рахимов Рахимбой Атажанович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Тўлаганов Абдуқобил Абдунабиевич**  
техника фанлари доктори, профессор

**Таймасов Бахитжан**  
техника фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент архитектура-қурилиш институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.T.04.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «.....» ..... соат ..... даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўч., 32. Тел. (99871) 244-79-20; факс: (99871) 244-79-17; e-mail: [tkti\\_info@edu.uz](mailto:tkti_info@edu.uz))

Докторлик диссертацияси билан Тошкент кимё-технология институти Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (..... рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўчаси, 32. Тел.: (99871)244-79-20

Диссертация автореферати 2018 йил «.....»..... куни тарқатилган.  
(2018 йил «.....» ..... даги № ..... рақамли реестр баённомаси).

**С.М. Туробжонов**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш  
раиси, т.ф.д., профессор

**А.С. Ибодуллаев**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш  
котиби, т.ф.д., профессор

**М.Х. Арипова**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш  
кошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д.,  
профессор

## КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Бугунги кунда дунёда қурилиш саноати жадал ривожланиши туфайли цементга бўлган эҳтиёж кучаймоқда. Шу жиҳатдан қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноатининг устувор вазифаларидан бири цемент ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришдан иборат. Бу ўринда цемент сифатини яхшилаш, технологик жараёнларни такомиллаштириш, маҳсулот таннархини арзонлаштиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Жаҳон миқёсида энергия сиғими кам клинкерлар ва цементлар олиш технологияларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада амалга оширилаётган илмий изланишларда маҳаллий хом ашё ва техноген чиқиндилардан фойдаланиб юқори сифатли цементлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Кам энергия сиғимли клинкерлар ва цементлар олиш технологияларини ишлаб чиқишда қатор, жумладан, қуйидаги йўналишларда тегишли илмий ечимларни асослаш зарур: нанотехнология асосида цемент ишлаб чиқаришнинг янги усулларини ишлаб чиқиш; сульфатбардош цементларнинг коррозияга қарши хусусиятларини ошириш; пуццоланли цементларнинг нам шароитда ва сувда қотиш вақтини янада қисқартириш; қўшимчали цементлар олишда композицион қўшимчаларнинг мақбул таркибларини танлаш; оқ ва рангли портландцементлар олиш технологияларини янада такомиллаштириш.

Республикамызда цемент ишлаб чиқариш саноати ривожлантирилиб, ишлаб турган корхоналарни модернизациялаштириш, маҳаллий хом ашёлар асосида цементларнинг янги турларини олиш, республикамыз ҳудудларига мослаштирилган замонавий цемент заводларини қуриш, янги турдаги цементларни экспорт қилишда уларнинг ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш каби бир қанча ишлар амалга оширилиб, муайян ютуқларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантириш, саноатни модернизация ва диверсификация қилиш, амалиётда кам сарфли энергиятежамкор усулларни қўллаш, цемент ишлаб чиқариш саноатини ривожлантириш, импорт ўрнини алмаштирувчи ва экспортбоп маҳсулотларни тайёрлаш»<sup>1</sup> вазифалари белгилаб берилган. Бу борада, жумладан кам энергия сиғимли клинкер ва цементлар олишда маҳаллий хом ашё ва техноген чиқиндилардан фойдаланиб арзон ва юқори сифатли цементлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган илмий-тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда бешта устувор йўналишлар бўйича ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси», 2017 йил 21 апрелдаги ПҚ-2915-сон Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда бешта устувор йўналишлар бўйича ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон фармони.

мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши, тўпланиши, сақлаши, ташилиши, утилизация қилиниши, қайта ишланиши, кўмилиши, реализациясини назорат қилиш инспекцияси фаолиятининг ҳуқуқий асослари тўғрисида», 2018 йил 4 майдаги ПҚ-3696-сон «Ички бозорни цемент билан барқарор таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари ва қарорлари ҳамда мазкур соҳа фаолиятига тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожлантиришнинг VII. «Кимё технология ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шархи<sup>2</sup>.** Клинкерлар синтези ва қўшимчали цементлар олишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Cement Manufacturers Association of India, Sanghi Industries Ltd ва Ultra Tech Ltd (Ҳиндистон), CEMBUREAU–(Бельгия), Heidelberg Cement Group, Bau-Haus Universität ва VDZ-Verein Deutscher Zementwerke (Германия), Россия кимё-технология университети ва Қозон архитектура-қурилиш университети, «Евроцемент груп» (Россия), Жанубий Қозоғистон Давлат университети (Қозоғистон), Aslan Çimento AŞ (Турция), Gambarotta Gschwendt (Италия), Whitehopleman (Англия), CNBM Engineering Co Ltd (Хитой), Тошкент кимё-технология институти, Умумий ва ноорганик кимё институтларида (Ўзбекистон) илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Жаҳонда цемент ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштиришга оид олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: клинкер сифатини ва шу билан цемент хоссаларини яхшилашга йўналтирилган янги русумдаги жиҳозлар яратилган (CNBM Engineering Co Ltd, Хитой); мустаҳкамлиги бўйича жаҳон стандартлари талабларига жавоб берувчи юқори маркали цементларнинг таркиблари ишлаб чиқилган («Евроцемент груп», Россия); электротермофосфорли тошқол миқдори юқори бўлган қўшимчали ва сульфатбардош цементлар ишлаб чиқариш технологиялари ишлаб чиқилган (Жанубий Қозоғистон Давлат университети, Қозоғистон); пуццолан цементлар (Ultra Tech Cement Ltd, Ҳиндистон); карбонат, глинозем ва сулфоалюминат сақлаган қўшимчали махсус турдаги цементларнинг таркиблари ва олиш технологиялари ишлаб чиқилган (Россия кимё-технология университети ва Қозон архитектура-қурилиш университети, Россия); сифати юқори рангли цементлар олиш технологиялари такомиллаштирилган (Cement Manufacturers Association of India, Ҳиндистон); турли хил композицион қўшимчали цементлар ишлаб

<sup>2</sup> Диссертация мавзуси бўйича илмий тадқиқотлар шархи: <http://www.nist.gov>, [www.ukgu.kz/ru](http://www.ukgu.kz/ru), <http://www.cmaindia.org/>, [www.heidelbergcement.com/en](http://www.heidelbergcement.com/en), <https://cembureau.eu>, <https://www.muctr.ru>, [www.ultratech.com/](http://www.ultratech.com/), <https://www.susu.ru/ru>, <https://www.vdzonline.de/>, [www.whitehopleman.com/](http://www.whitehopleman.com/), <https://www.dalmiabharat.com/>, [www.cnbmengineering.cm/](http://www.cnbmengineering.cm/), [www.gambarotta.it/](http://www.gambarotta.it/), [www.bwfgroup.de/](http://www.bwfgroup.de/), [www.sanghiment.com/](http://www.sanghiment.com/), [www.aslancimento.com.tr/](http://www.aslancimento.com.tr/) ва бошқалар бўйича ишлаб чиқилган.

чиқарилган (Aslan Çimento AŞ, Туркия).

Дунёда цемент ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш бўйича қатор, жумладан, куйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: клинкер ишлаб чиқаришда энергия сиғими кам хом ашё аралашмалари таркибини шакллантириш; табиий хом ашёларни тежаш ва минерал техноген чиқиндилардан фойдаланиш; клинкер куйдиришда энергиятежамкор технологияларни ишлаб чиқиш; клинкерни кўп миқдорда тежаш имконини берувчи фаол минерал қўшимчалар таркибини яратиш; қўшимчали, пуццолан ва композицион қўшимчали цементларнинг самарадор таркибларини ва технологияларини ишлаб чиқиш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Кам энергия сиғимли клинкерлар ва қўшимчали цементлар олиш бўйича А.А. Пашенко, В.В. Тимашев, Л.М. Шпынова, Т.В. Кузнецова, А.С. Болдырев, И.Н. Борисов, О.А. Мирюк ва И.Г. Лугинина, Е.С. Горшков, В.К. Классен, И.В. Кравченко, Л.Я. Гольдштейн, А. Таеб, S. Faghihi, Muhmood Luckman, Zhao Qinglin, Cheng Xin, S.Cerjan-Stefanovic, М.Г. Гулямов, Т.А. Рагозина, И.С. Канцепольский, М.Я. Бикбау, Т.А. Атакузиев, Б.И. Нудельман, Б.Т. Таймасов, М.И. Искандарова, З.П. Пўлатов, А.А. Тўлаганов ва бошқалар илмий тадқиқотлар олиб борганлар.

Олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида боғловчи моддаларнинг синтези ва гидратланиши аниқланган; цемент тоши микроструктураси шаклланишининг физик-кимёвий асослари ўрганилган; портландцемент клинкерини куйдириш ҳароратини пасайтириш борасида тадқиқотлар баён этилган; таркибида базальт жинслари ишлатилган хом ашё аралашмаси куйдирилганда янги ҳосилаларнинг пайдо бўлиш механизми ўрганилган; қўшимчали цементлар ишлаб чиқаришда техноген чиқиндилардан хом ашё сифатида фойдаланиш таклиф этилган.

Шу билан бирга турли хил тошқоллар ва чиқиндилар асосида клинкер ва цементлар олиш бўйича: алинитли, сульфоалюминатли ва сульфоферритли клинкерлар ишлаб чиқаришни ўрганиш; композицион цементларнинг физик-механик ва технологик хоссаларини ўрганиш; наноцементларнинг бетон учун кечадиган гидратланиш механизмларини ўрганиш; ишлаб чиқаришдаги сарф-ҳаражатларни камайтириш; қўшимчали цемент ишлаб чиқаришнинг кам босқичли ва энергиятежамкор технологиясини ишлаб чиқиш борасида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Умумий ва ноорганик кимё институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФА-А13-Т162 «Клинкер ва цемент ишлаб чиқаришда қайта ишланган пўлат эритиш тошқолидан комплекс фойдаланишнинг рационал технологияси» (2013-2015 йй.); 2-ФА-0-52470 «Ўзметкомбинат» АЖ пўлат эритиш тошқолларидан комплекс фойдаланиб, клинкер ва цемент ишлаб чиқаришни энергия- ва ресурстежамкор технологиясини саноат миқёсида ўзлаштириш» (2014-2015 йй.); ФА-И7 ТО24 «Асбестцемент ишлаб чиқариш чиқиндиларидан портландцемент олишда ишлатишнинг самарадор

технологиясини жорий этиш» (2015-2016 йй.); ФА-А13-139 «Вольфрам рудаларини бойитиш қолдиқларини қўшимчали портландцемент ишлаб чиқаришда қўллашнинг энергия- ва ресурстежамкор технологияси» (2015-2017йй.) мавзуларидаги амалий ва инновацион лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** маҳаллий хом ашёлар ва техноген чиқиндилар асосида портландцемент клинкери ҳамда қўшимчали цементлар олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

кайта ишланган пўлат эритиш тошқоли, вольфрам рудаларини бойитиш иккиламчи чиқиндилари ва хризотилцемент чиқиндиларининг кимёвий-минералогик таркиби ва хоссаларини ўрганиш;

янги хом ашё аралашмаларининг куйдириш жараёнида реакцияга киришиш қобилиятини физик-кимёвий тадқиқ этиш, уларнинг таркибларини ва клинкер куйдириш жараёнининг кўрсаткичларини оптималлаштириш;

клинкер олишда хризотилцемент чиқиндиларини термафаоллаштириш усулини ишлаб чиқиш;

термофаоллаштирилган хризотилцемент кўндирма-қўшимчали клинкерлардан фойдаланиб қўшимчали портландцемент ишлаб чиқариш технологиясини ишлаб чиқиш;

кайта ишланган пўлат эритиш тошқоли ва вольфрам рудаларини иккиламчи бойитиш чиқиндилари асосида олинган портландцементнинг физик-механик хоссаларини ўрганиш;

кўп компонентли «клинкер кукуни+гипс+ҚИП-тошқоли+сув» ва «клинкер кукуни+гипс+ВРБЧ+сув» тизимларининг гидратланиш ва структура ҳосил қилиш жараёнларини ўрганиш ва цемент тоши ҳосил бўлишидаги «таркиб-структура-хосса» ўзаро боғлиқлиги қонуниятларини аниқлаш.

кайта ишланган пўлат эритиш тошқоли ва вольфрам рудаларини иккиламчи бойитиш чиқиндиси асосида қўшимчали портландцемент олиш технологиясини ишлаб чиқиш;

**Тадқиқотнинг объекти** кайта ишланган пўлат эритиш тошқоли, вольфрам рудаларини иккиламчи бойитиш чиқиндиси, ҳўл хризотилцемент чиқиндилари, улардан комплекс хом ашё сифатида фойдаланиб олинган клинкерлар ва қўшимчали цементлардан иборат.

**Тадқиқотнинг предмети** кайта ишланган пўлат эритиш тошқоли, вольфрам рудаларини иккиламчи бойитиш чиқиндиси, ҳўл хризотилцемент чиқиндиларидан комплекс хом ашё сифатида фойдаланиб, клинкерлар синтез қилиш, қўшимчали цементлар олиш ва уларнинг қотиш жараёнларини тадқиқ этиш, ишлаб чиқариш технологияларини яратиш ва ўзлаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишида хом ашё материаллар ва техноген чиқиндиларнинг технологик хоссаларини аниқлашнинг, хом ашё аралашмаси таркибини ҳисоблашнинг ва цементларни физик-механик хоссаларини аниқлашнинг стандарт усулларини қўллаб, клинкерлар синтез қилишда минераллар ҳосил бўлиши, қўшимчали цементлар қотаётганда

гидратланиш ва сунъий конгломерат шаклланиши жараёнлари рентгенфазавий, дифференциал-термик таҳлил ва электрон-микроскоп усулларида фойдаланиб тадқиқ этилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

қайта ишланган пўлат эритиш тошқоли, вольфрам рудаларини иккиламчи бойитиш чиқиндиси ва хризотилцемент чиқиндиларидан хом ашё компоненти сифатида фойдаланиб клинкер олиш учун хом ашё аралашмаларининг таркиблари ишлаб чиқилган ва асосий клинкер минераллари миқдори бўйича оптималлаштирилган;

янги таркибдаги хом ашё аралашмаларининг реакцияга киришиш қобилиятлари ва улар куйдирилганда юқори ҳарорат таъсирида кечадиган клинкер минераллари ҳосил бўлиш жараёнлари исботланган;

минерал техноген чиқиндилардан фойдаланиб клинкер олиш учун тузилган хом ашё аралашмаларининг ва клинкер куйдириш жараёнининг энг мақбул кимёвий технологик кўрсаткичлари, бу клинкерлардан олинган цементларнинг физик-механик хоссалари аниқланган;

қайта ишланган пўлат эритиш тошқоли ва вольфрам рудаларини иккиламчи бойитиш чиқиндиларининг цемент кўшимчаси сифатидаги зарур хоссалари асосида олинган кўшимчали цементларнинг таркиблари оптималлаштирилган ва олиш технологиялари ишлаб чиқилган;

янги таркибдаги кўшимчали портландцементларнинг физик-механик хоссалари, улар қотаётганда кечадиган физик-кимёвий ўзгаришлар, ҳосил бўлаётган цемент тошининг структураси ва физик-механик хоссалари шаклланиши ўртасидаги ўзаро боғлиқликлари исботланган;

хўл хризотилцемент чиқиндиларига айланма печлардан юқори (1000-1200)°С ҳароратда чўғланиб чиқаётган клинкер қатламида термик ишлов бериб, фаол кўндирма-кўшимча ҳосил қилиш ҳисобига уларнинг гидравлик фаоллигини ошириш усули, кўндирма-кўшимчали клинкер ва ундан хризотилцемент буюмлари учун портландцемент олиш технологияси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари:**

ноанъанавий хом ашё материаллар – «Ўзметкомбинат» АЖнинг пўлат эритиш қайта ишланган тошқоли ва «INGICHKI METALLS» ҚК МЧЖнинг вольфрам рудаларини иккиламчи бойитиш чиқиндиларини темирли минерализатор ва шартли алюмосиликатли компонент сифатида қўллаб, клинкер синтез қилиш учун хом ашё аралашмалари таркиби ишлаб чиқилган;

хом ашё аралашмаси таркиби, компонентларнинг сарфий меъёрлари, куйдириш жараёнини мақбул кимёвий-технологик кўрсаткичлари аниқланган, умумқурилиш ва сульфатбардош цементлар учун клинкерлар синтез қилинган;

иккиламчи бойитиш чиқиндилари – қайта ишланган пўлат эритиш тошқоли ва вольфрам рудаларидан фойдаланиш хом ашё аралашмаларидан клинкер олишда куйдириш ҳарорати 50-70°С га пасайтирилган;

ушбу чиқиндилардан Стьюдент мезони қиймати бўйича тўлдиргич сифатида фойдаланиб, ПЦ400-Д20 маркали кўшимчали цементлар олинган;

пўлат эритиш қайта ишланган тошқоли ва вольфрам рудаларини иккиламчи бойитиш чиқиндилардан портландцемент олишда кўшимча сифатида фойдаланиш мумкинлиги исботланган;

хўл хризотилцемент чиқиндиларини клинкер куйдириш печларидан чиқаётган қайноқ клинкер қатламида термофаоллаштиришнинг самарадор усули ва технологияси ишлаб чиқилган;

термофаоллашган хризотилцемент чиқиндилари ўтирган кўндирма-кўшилмали клинкердан 400 маркали цемент олинган ва ундан саккиз тўлқинли хризотилцемент листлар ишлаб чиқарилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** назарий қоидаларнинг муаллиф томонидан олинган тажриба натижалари, ишлаб чиқаришда синовдан ўтганлиги ва жорий қилинганлик кўрсаткичларининг ўзаро мутаносиблиги, синтез қилиб олинган клинкерларнинг фаза таркиби ва структурасини, кўшимчали цементлар қотаётганда ҳосил бўладиган сунъий конгломератни фаза таркиби, микроструктураси ва физик-механик хоссаларини замонавий қурилма ва жиҳозларда тадқиқотнинг физик-механик ва физик-кимёвий синов усуллари кўллаб олинганлиги билан тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқотнинг натижаларининг илмий аҳамияти таркибида ноанъанавий иккиламчи хом ашё компонентларни сақлаган аралашмаларни куйдирганда клинкер ҳосил бўлиш жараёни тезлашишининг ва таркибидаги клинкернинг 3-15% кўшимчаларнинг янги турлари билан алмаштирилишига қарамай, «туйилган клинкер – гипс - кўшимча - сув» дисперсиясининг қотиш жараёнида структура ҳосил бўлиши ва сунъий конгломератнинг шаклланиши «туйилган клинкер–гипс-сув» тизимидаги каби кечиши илмий асосланганлигидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти техноген хом ашё материаллардан комплекс фойдаланиб, клинкер ва кўшимчали цементларнинг энергия- ва ресурстежамкор технологиялари ишлаб чиқилганлиги, клинкер куйдириш ҳароратининг пасайганлиги, табиий хом ашё материалларнинг ва портландцементдаги қимматбаҳо клинкер қисмининг тежалганлиги, техноген чиқиндиларни ишлатиш ҳисобига металлургия ва тоғ-бойитиш корхоналари ҳудудларида экологик муҳитнинг яхшиланишидан иборат.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Кам энергия сиғимли клинкерлар ва кўшимчали цементлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

хризотилцемент чиқиндисини термофаоллаштирилиб кўндирма-кўшимчали олинган клинкер учун ташкилот стандарти «Ўзстандарт» агентлигида рўйхатдан ўтказилган (Ts № 00295455-04:2015). Натижада хризотилцемент чиқиндиларини чўғланиб турган клинкер қатламида термик фаоллаштириб, кўндирма-кўшилмали клинкер ишлаб чиқариш имконини берган;

хризотилцементли буюмлар ишлаб чиқаришда фойдаланиш учун хризотилцемент чиқиндисига ташкилот стандарти «Ўзстандарт» агентлигида рўйхатдан ўтказилган (Ts № 00295455-016:2016). Натижада турли ассорти-

ментдаги қурилиш материаллари ишлаб чиқариш учун ушбу техноген чиқиндидан хом ашё сифатида фойдаланиш имконини берган;

кайта ишланган пўлат эритиш тошқолини клинкер олишда ва цементга қўшимча сифатида ишлатиш учун ташкилот стандарти «Ўзстандарт» агентлигида рўйхатдан ўтказилган (Т<sub>с</sub> № 00186200-09:2017). Натижада «Ўзметкомбинат» АЖда ушбу чиқиндини сотувга чиқариш имконини берган;

кайта ишланган пўлат эритиш тошқоли асосида қўшимчали ва композицион цементлар олиш технологияси «Бекободцемент» АЖда амалиётга жорий этилган («Бекободцемент» АЖ нинг 2018 йил 30 мартдаги РА/90 – сон маълумотномаси). Натижада қўшимчали ва композицион портландцемент ишлаб чиқаришни саноат миқёсида йўлга қўйиш имконини берган;

хризотилцемент буюмлар ишлаб чиқаришга портландцемент учун Ўзбекистон Республикаси давлат стандарти «Ўзстандарт» агентлигида рўйхатдан ўтказилган (O'z DSt 913-2017). Натижада термик фаоллаштирилган кўндирма-қўшилмали клинкердан хризотилцемент буюмлар ишлаб чиқариш учун портландцемент олиш саноат миқёсида йўлга қўйиш имконини берган;

янги усулда термофаоллаштирилган хризотилцемент кўндирма-қўшимчали клинкер ва ундан хризотилцемент буюмлар учун портландцемент ишлаб чиқариш технологияси «Қизилқумцемент» АЖда амалиётга жорий этилган («Қизилқумцемент» АЖнинг 2018 йил 7 февралдаги АТ 02-36/336-сон, «Ўзқурилишматериаллари» АЖнинг 2018 йил 2018 йил 26 февралдаги ТМ-1/03-599-сон маълумотномалари). Натижада ҳозирда нархи қиммат бўлган клинкерни 5%гача иқтисод қилиш, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, хризотилцемент буюмлар ишлаб чиқаришда портландцементнинг таннархини пасайтириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида, семинар ва кенгашларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 33 та илмий ишлар чоп этилган бўлиб, шулардан 15 та мақола, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, улардан 5 таси республика журналларида, 5 таси хорижий журналларда чоп этилган, Интеллектуал мулк қўмитасига ихтирога патент учун 4 та талабнома берилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 175 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш қисмида** ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ифодаланган, тадқиқот предмети ва объекти тавсифланган, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган,

олинган натижаларнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти очиб берилган, мавзу анжуманлар ҳамда ишлаб чиқариш шароитларида тадқиқот натижаларининг апробацияси, диссертация структураси ва нашр этилган ишлар ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Металл сақлаган рудаларни қайта ишлаш ва хризотилцемент буюмлар ишлаб чиқариш чиқиндиларидан қурилиш материаллари саноатида фойдаланиш ҳолати ва истиқболлари**» деб номланган биринчи бобида чет элларда ва мамлакатимизда металлургия тошқоллари, тоғ-бойитиш корхоналари чиқиндилари ва хризотилцемент буюмлар ишлаб чиқариш чиқиндиларидан фойдаланиб, турли хил қурилиш маҳсулотлари, жумладан, цемент клинкери ва қўшимчали цементлар ишлаб чиқаришга бағишланган тадқиқот ишлари таҳлили келтирилган, мавжуд ишланмаларнинг афзалликлари ва камчиликлари кўрсатилган.

Қурилиш материаллари ва буюмлари ишлаб чиқаришда иккиламчи хом ашёлардан фойдаланиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар илмий-техник ва патент маълумотлари таҳлили металлургия тошқолларини қайта ишлашнинг бир неча йўналиши мавжудлигини аниқлаш имконини берди. Магнетитли рудаларни цемент клинкери олишда хом ашё аралашмасига қўшиш, аралашмага темирли куйиндини қўшишдан воз кечиш, лойтупроқ (глинозем)ни қисман ёки тўла ўрнини босиши борасида маълум амалий тажрибалар мавжуд. Бунда, паст асосли портландцемент, сульфатланган клинкер ва оҳак-белитли боғловчи, чиқиндиларни ишқорий ёки магнезиал йўл билан фаоллаштириб цементсиз боғловчилар олиш мумкин. Пўлат эритиш тошқоли клинкер куйдириб олишда хом ашё аралашмаси компоненти ва минералловчи қўшимча, ғишт теришда қоришма тайёрлаш учун куйдирмасдан боғловчи, қурилиш қоришмалари ва бетон учун минерал тўлдиргич сифатида ишлатилади. Бироқ, пўлат эритиш тошқолини кенг миқёсда қўллашга ҳалақит берадиган энг катта тўсиқ, унинг таркибида эркин металл қолдиқлари мавжудлиги бўлиб, бу уларни магнит ёрдамида қайта саралашни тақозо қилади.

Тоғ-бойитиш корхоналарининг қолдиқ хом ашёлари қайта ишлангандан кейин, турли-туман қурилиш материаллари ва кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун бебаҳо хом ашё эканлиги аниқланган. Уларни кимёвий таркибининг муҳим жиҳатларидан бири,  $\text{CaO}$  и  $\text{SiO}_2$  миқдори юқорилиги,  $\text{Al}_2\text{O}_3$  – пастлигидир. Вольфрам рудаларини бойитиш чиқиндиларидан фойдаланиб кислотабардош боғловчилар, сопол кошинлар, бўғиқ сирлар, цемент клинкери ва ҳоказолар олиш мумкин. Вольфрам-молибден рудаларини бойитиш чиқиндиларини минерал хом ашё сифатида қўллаш ғишт, рангли шиша, кошинлар, уларни қоplash учун сирлар ва цемент ишлаб чиқариш борасидаги тажриба-тадқиқот ишлари билангина чекланган. Аммо, бу ишланмаларни барчаси фақат лаборатория тадқиқоти кўринишидагина бўлиб, саноатда қўлланмаган. Бундан ташқари, бу технологияларни ишлаб чиқаришда қўллаш учун, чиқиндиларни қайта ишлаб, таркибидаги қимматбаҳо ва нодир металлларни ажратиб олиш зарурлиги таъкидланган.

Хризотилцемент чиқиндилари ҳам турли хил қурилиш маҳсулотлари, клинкер ва қўшимчали цемент ишлаб чиқаришда бебаҳо хом ашё ресурси

эканлиги кўрсатилган. Уларнинг гидравлик фаоллигини ошириш учун куйдириш курилмаларида термик ишлов бериш лозимлиги қайд этилган, лекин бу ёндошув цемент корхоналари учун технологик ва иқтисодий жиҳатдан фойдали эмас. Шунинг учун, ушбу масалани цемент корхоналарининг мавжуд тузилмаси ва жиҳозларини ҳисобга олган ҳолда қулайроқ усулда хал қилиш долзарб муаммо бўлиб, унинг самарали ечимини топиш замон талабидир.

Илмий-техник адабиётларда пўлат эритиш, вольфрам рудаларни бойитиш ва хризотилцемент бумлар ишлаб чиқариш чиқиндиларидан бир йўла клинкер олиш учун хом ашё аралашмаси таркибида темирли минерализатор ва шартли алюмосиликат компонент сифатида, ҳамда кўшимчали цемент олишда минерал кўшимча сифатида комплекс фойдаланиш борасида маълумотлар деярли йўқ. Шундан келиб чиқиб, улардан цемент саноатида клинкер ишлаб чиқаришда ва кўшимчали цемент олишда комплекс хом ашё сифатида ишлатиш борасида тадқиқотлар ўтказиш бўйича диссертация йўналиши, мақсад ва вазифалари белгилаб олинган.

Диссертациянинг «**Дастлабки материалларнинг кимёвий-минералогик таркиблари, технологик хоссалари ва тадқиқотларни ўтказиш усуллари**» деб номланган иккинчи бобида иккиламчи хом ашё материалларнинг учта тури – «Ўзметкомбинат» АЖнинг қайта ишланган пўлат эритиш тошқоллари (бундан кейин-ҚИП-тошқол), Ингичка кони вольфрам рудаларини иккиламчи бойитиш чиқиндилари (бундан кейин-ВРБЧ) ва «Қизилқумцемент» АЖнинг ҳўл хризотилцемент чиқиндиларидан (бундан кейин - ХЦЧ) клинкер олиш учун хом ашё ва цементга минерал кўшимча сифатида фойдаланиш борасида тадқиқотлар олиб борилган. ҚИП-тошқолнинг магнит ёрдамида қайта бойитилган майда фракциясида  $\text{SiO}_2$  нинг миқдори 41,1% ва  $\text{MgO}$  18,75% ни, шағал қисмида эса уларнинг миқдори тегишлича 21,4% и 15,0% ни ташкил этади. Бошқа оксидларнинг миқдори бўйича манзара тесқари, яъни йирик фракцияда  $\text{Al}_2\text{O}_3$ ,  $\text{Fe}_2\text{O}_3$  ва  $\text{CaO}$  миқдори юқори, майдасида эса – нисбатан паст. Асосий (Мо) ва силикат (Мс) модуллари кўрсаткичлари бўйича тошқол шағали асосий (Мо=1,64; Мс=2,72), қум кўринишидаги тошқол эса (Мо=0,91; Мс=15,69) нордон тошқоллар гуруҳига қиради. ҚИП-тошқол таркибида периклаз, монтичеллит, окерманит, кварц, икки кальцийли феррит, кальций карбонат, кўчма қатор минераллари: учкальцийли алюминат, майенит и икки сувли гипс мавжуд. ҚИП-тошқолнинг технологик намунасида  $\text{MgO}$  миқдори 11,0 % ни ташкил этади. Бошқа оксидларнинг миқдори бўйича ( $\text{SiO}_2$  21,4-41,1%;  $\text{Al}_2\text{O}_3$  2,62-11,0;  $\text{Fe}_2\text{O}_3$  11,4-16,87%;  $\text{CaO}$  21,1–32,9%) тошқол портландцемент клинкери ишлаб чиқариш учун хом ашё материалларга қўйилган талабларга мувофиқ келади. ВРБЧнинг кимёвий таркиби қуйидагича:  $\text{SiO}_2$ -47,50%;  $\text{Al}_2\text{O}_3$ -6,10%;  $\text{Fe}_2\text{O}_3$ -14,3%;  $\text{CaO}$ -21,00%;  $\text{MgO}$ -2,10%, минералогик таркиби кальцит, дала шпати, гидрослюда, магнетит, пирротин, пирит ва волластонитдан иборат. Суюқланиш ҳарорати: бошланиши - 1130°C, охири-1160°C.

«Қизилқумцемент» АЖнинг ҳўл хризотилцемент чиқиндиси асосан гидратланган ва карбонатланган цемент зарраларидан ва қуруқ қолдиқда 10-20%ни ташкил этувчи майин титилган хризотил толаларидан иборат, асосий

оксидлар CaO и SiO<sub>2</sub> умумий миқдори (78,83-78,81)% ни ташкил этади, минералогик таркиби гидросиликатлар, гидроалюминатлар, кальций гидроксиди ва карбонати, ҳамда хризотилдан иборат. Ушбу бобда материалларни тайёрлаш учун жиҳозлар ва усуллар, тажриба-тадқиқотнинг ҳар бир турига тегишли синовлар ҳақида ҳам маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг «ҚИП-тошқоли ва ВРБЧлардан комплекс фойдаланиб клинкер олишда хом ашё аралашмалари таркибини оптималлаштириш ва технологиясини ишлаб чиқиш» деб номланган учинчи бобида «Ўзметкомбинат» АЖ ҚИП-тошқоли ва Ингичка кони ВРБЧ ларидан хом ашё аралашмасига темирли ва шартли алюмосиликат компоненти сифатида фойдаланиб клинкерлар синтез қилиш борасидаги тадқиқотлар натижалари келтирилган. Тадқиқотларнинг биринчи қисмида «Ўзметкомбинат» АЖ ва «Бекободцемент» АЖнинг бир-бирига худудий яқинлигини ҳисобга олиб, хом ашё аралашмаларини таркибини ҳисоблашда «Балиқлитоғ» оҳактоши, Хилково кони соз тупроғи қабул қилинди.

Хом ашё аралашмалари модулларнинг қуйидаги қийматларида ҳисобланди: оҳак билан тўйиниш коэффиценти  $TK=0,86-0,92$ ; силикат модули  $n=1,73 - 2,4$ ; глинозем модули  $p=1,3-1,94$ . Таркиби (68,25-70,91) % оҳактош, (19,71-25,06) % соз тупроқ ва (7,59-13,20) % ҚИП-тошқолдан иборат бўлган хом ашё аралашмаларидан сульфатбардош цемент учун клинкер олинди. Бунда, тўйиниш коэффиценти  $TK=0,90$  ва  $n=1,17$ , ҳамда  $TK=0,85$  ва  $n=2,83$  бўлганда, C<sub>3</sub>Sнинг миқдори тегишлича 45,96 и 49,49% ни ташкил этган. Бу унинг чекланган миқдоридан (50% гача) кўп эмаслиги, бу клинкердан олинadиган цементнинг сульфатбардошлиги юқори бўлишини башорат этади (1а-расм).


а) 1-C<sub>3</sub>S; 2-C<sub>2</sub>S; 3-C<sub>3</sub>A; C<sub>4</sub>AF

б)

1-C<sub>3</sub>S; 2-C<sub>2</sub>S; 3-C<sub>3</sub>A; C<sub>4</sub>AF



$TK=0,86$ ;  $TK=0,90$ ;  $TK=90$ ;  $TK=90$ ;  
 $n=2,83$ ;  $n=2,62$ ;  $n=2,81$ ;  $n=2,40$ ;  
 $p=1,10$ ;  $p=1,00$ ;  $p=1,10$ ;  $p=0,90$




$TK=0,92$ ;  $TK=0,92$ ;  $TK=0,90$ ;  $TK=0,90$ ;  $TK=0,90$ ;  
 $n=2,96$ ;  $n=2,40$ ;  $n=2,40$ ;  $n=3,13$ ;  $n=1,17$ ;  
 $p=1,30$ ;  $p=0,90$ ;  $p=0,90$ ;  $p=1,30$ ;  $p=0,46$

**1-расм. КН=0,86 (а) ва 0,90 (б) бўлган клинкерларнинг минералогик таркиби.**

Тўйиниш коэффиценти  $TK=0,90-0,92$  ва  $n=2,0$  дан юқори бўлганда, клинкерлардаги C<sub>3</sub>S нинг миқдори 56,48- 63,24%, C<sub>3</sub>A-3,21-5,53% ва C<sub>4</sub>AF-9,63-31,34% бўлиши, улардан олинadиган цементларнинг фаоллиги етарлича юқори бўлишини башорат этди (1б-расм). Хом ашё аралашмалари куйдирилганда CO<sub>2</sub>нинг ажралиб чиқиб кетиши ва эркин CaO нинг клинкер минералларига боғланиб, тўла ўзлаштирилиш жараёни жадал кечади. Клинкер ҳосил бўлиши

ТК=0,85-0,87 бўлган хом ашё аралашмалари куйдирилганда 1350<sup>0</sup>Сда, ТК=0,90-0,92 бўлганда эса 1380-1420<sup>0</sup>Сда якунланди. ТК қиймати 0,85-0,87 бўлган хом ашё аралашмаларини куйдирилганда бўшроқ пишган, 0,90 и 0,92 да эса каттиқроқ пишган маҳсулот олинди. ТК 0,86 ва 0,90 бўлган клинкерларда эркин СаО миқдори 0,35 дан 0,38% гача, ТК 0,92 да эса 0,15% ни ташкил этди. Олинган натижалар хом ашё аралашмаси таркибидаги оҳактошни қисман (ўртача 10-15%) ҚИП-тошқол билан алмаштириш имконияти мавжудлигини кўрсатди. Бу демак, куйдиришга сарфланадиган иссиқлик ташувчининг сарфи 12-18% га камаяди. Синтез қилиб олинган клинкерлар асосий (СаО, SiO<sub>2</sub>, Al<sub>2</sub>O<sub>3</sub>, Fe<sub>2</sub>O<sub>3</sub>) ва миқдори чекланган (MgO, SO<sub>3</sub>) оксидларининг миқдори ва модул кўрсаткичлари бўйича умумқурилиш ва сульфатбардош цементлар учун клинкерларга қўйилган талабларга мувофиқ келади (1-жадвал).



**2-расм. Умумқурилиш (а) ва сульфатбардош (б) цементлар учун клинкерларнинг хом ашё аралашмаларини ДТ эгри чизиқлари.**

Умумқурилиш (а) ва сульфатбардош (б) цементлар учун клинкер олиш учун таркибида ҚИП-тошқол тутган хом ашё аралашмалари қиздирилганда, уларнинг ДТ-чизиқларида 100-700<sup>0</sup>С ҳарорат оралиғида сув молекулаларининг чиқиб кетиши ва хом ашё аралашмасидаги алюмосиликат қисмининг полиморф ўзгаришлари билан боғлиқ иккита эндоэффект пайдо бўлган (2-расм).

Ҳарорат кўтарилиши билан 800-1140<sup>0</sup>С оралиғида суръати юқори бўлган битта эндоэффект пайдо бўлиши кузатилиб, бу оҳактош ва ҚИП-тошқол таркибидаги СаСО<sub>3</sub> парчаланганлигини кўрсатади. Тошқол таркибидаги магний ва темир оксидларининг каталитик таъсири остида хом ашё аралашмалари таркибидаги компонентларнинг ўзаро кимёвий таъсир жараёни тезлашади ва клинкерда 1320<sup>0</sup>С ва 1340<sup>0</sup>С ҳароратда силикат минералларнинг ҳосил бўлиши билан боғлиқ бўлган экзотермик эффект намоён бўлган. ҚИП-тошқоли клинкер куйдириш ҳароратини пасайишига ёрдам берувчи кристалл ташаббускор вазифасини бажарган.

## 1-жадвал

**Хом ашё аралашмаларининг моддий ва клинкерларнинг кимёвий таркиблари**

Хом ашё аралашмаларининг масса улуши, %	Клинкерларнинг кимёвий таркиби, масса %								
	қ.қ.й.	SiO <sub>2</sub>	Al <sub>2</sub> O <sub>3</sub>	Fe <sub>2</sub> O <sub>3</sub>	CaO	MgO	SO <sub>3</sub>	Na <sub>2</sub> O	K <sub>2</sub> O
<b>Хом ашё аралаш. №1</b> оҳактош - 66,82 соз тупроқ - 19,98 ҚИП-тошқол - 13,20	0,15	21,70	4,30	4,55	63,40	4,15	0,40	0,70	0,65
<b>Хом ашё аралаш. №2</b> оҳактош - 67,36 соз тупроқ - 19,71 ҚИП-тошқол - 12,93	0,20	21,23	4,30	4,60	63,60	4,34	0,42	0,75	0,56
<b>Хом ашё аралаш. №3</b> оҳактош - 70,62 соз тупроқ - 23,75 ҚИП-тошқол - 5,63	0,26	22,20	4,00	3,86	65,20	2,63	0,40	0,70	0,75
<b>Хом ашё аралаш. №4</b> оҳактош - 69,33 соз тупроқ - 23,08 ҚИП-тошқол - 7,59	0,15	22,30	4,50	3,65	64,62	3,43	0,35	0,58	0,42
<b>Хом ашё аралаш. №5</b> оҳактош - 68,25 соз тупроқ - 21,75 ҚИП-тошқол - 10,00	0,40	22,07	4,06	3,80	64,10	4,04	0,35	0,72	0,56
<b>Хом ашё аралаш. №6</b> оҳактош - 68,41 соз тупроқ - 23,93 ҚИП-тошқол - 7,66	0,22	23,00	4,28	3,99	63,70	3,18	0,45	0,68	0,50

Хом ашё аралашмаларини куйдиришда эркин СаОнинг энг кўп миқдори 1000<sup>0</sup>Сда ҳосил бўлди, унинг тўлиқ боғланиши ва клинкер ҳосил бўлиши 1380-1420<sup>0</sup>С яқунланди, бу эса анъанавий хом ашё материаллардан тузилган хом ашё аралашмаларини куйдириш ҳароратидан 50<sup>0</sup>С пастдир (2-жадвал).


## 2-жадвал

**Куйдириб олинган намуналардаги эркин СаО миқдори**

Хом ашё аралашма рақами	Эркин оҳакнинг ( <sup>0</sup> С ҳароратдаги) миқдори, %								
	1000	1100	1200	1300	1350	1380	1400	1420	1450
№1	35,45	27,20	15,60	3,30	1,80	0,10	-	-	-
№2	35,40	26,80	15,20	3,80	2,10	0,20	-	-	-
№3	35,80	27,50	18,60	8,10	3,80	2,20	1,15	0,25	из.
№4	35,40	27,15	18,00	7,50	3,20	2,15	1,00	0,15	-
№5	35,45	27,20	18,60	6,65	3,20	1,98	0,80	сл.	-
№6	33,18	25,80	17,20	5,15	3,10	1,80	1,05	0,18	-

Тажрибада олинган клинкерларни юзасининг тузилиши майда заррали бўлиб, кальций силикатларнинг ўлчами 10-15 мк ни ташкил этади, структураси бир текис донадор тузилишга эга, алит гексагонал призмалар ва таблетка

ўхшаш шаклда, белит эса – шар ва овал кўринишда кристалланган. Алитнинг миқдори умумий массани 55-60 % ни ташкил этган. Ўлчами 1-2  $\mu\text{к}$  бўлган ўта майда заррали юпқа пардасимон алюмоферритли фаза кальций силикатлар заррачаларининг юзасида бир текис ёйилган ҳолда жойлашган (3-расм).



**3-расм. ҚИП-тошқолидан фойдаланиб тузилган хом ашё аралашмасини 1420°C да куйдириб тажрибада олинган клинкернинг микроузилиши (x 500).**

Тажрибада олинган клинкерлар асосидаги цементларнинг физик-механик хоссалари бир-бирига ўхшаш бўлиб, 1380-1420°C да куйдирилган клинкерлардан фаоллиги 41-43 МПа бўлган цементлар олиш таъминлаган ва 10-13 % ҚИП-тошқол тутган хом ашё аралашмаси энг мақбул таркиб деб танланган (3-жадвал). Физик-кимёвий усуллар билан тажрибада олинган цементлар қотаётганда гидратланиш, гидратли фазаларнинг таркиби ва цемент тошининг шаклланиш жараёни анъанавий портландцементники каби кечиши аниқланди. Мақбул гидратли структура шаклланиши туфайли, цементларнинг мустаҳкамлик кўрсаткичлари айни «Бекободцемент» АЖнинг цементи каби бўлган. ҚИП-тошқол тутган хом ашё аралашмаларининг қуйидаги кўрсаткичлари энг мақбул деб топилди: умумқурилиш цементлари учун клинкерларга -  $TK=0,90$ ;  $n=2,2$ ;  $p=1,71$  ва сульфатбардош цементлар учун клинкерларга -  $TK=0,90$ ;  $n=2,4$ ;  $p=1,93$ .

**3-жадвал**

**ҚИП-тошқолидан фойдаланиб тузилган хом ашё аралашмаси асосидаги клинкерлардан олинган цементларнинг технологик ва физико-механик хоссалари**

Цемент №	SO <sub>3</sub> , %	Майинлик (№008 элакдан ўтиши бўйича), %	М.к. %	С/Ц	Тишлашиш муддати		Мустаҳкамлик чегараси, МПа			
					бошлан h-min	тугаши h-min	3 сут.		28 сут.	
							этил.	сиқил.	этил.	сиқил.
№1	2,20	88,1	27,0	0,39	2-55	4-50	4,2	21,4	5,5	41,7
№2	2,40	89,2	27,0	0,40	2-50	4-40	4,3	21,4	5,6	43,0
№3	2,12	88,6	27,0	0,40	2-10	4-10	4,3	21,6	5,8	43,4
№4	2,42	88,4	27,0	0,39	2-50	4-45	4,2	20,4	5,4	42,4
№5	2,10	88,9	27,0	0,39	2-30	4-30	4,1	20,5	5,4	42,1
№6	2,45	88,8	27,0	0,39	2-35	4-50	4,1	19,6	5,4	40,1

Тадқиқотларнинг иккинчи қисмида, Ингичка рудабошқармасининг “Қизилқумцемент” АЖга ҳудудий яқинлигини ва унинг ВРБЧга реал

истеъмолчи бўлиши мумкинлигини ҳисобга олиб, клинкер олиш учун хом ашё аралашмалари таркибларини ҳисоблашда ушбу корхонада қўлланган хом ашё материаллардан (Кармана кони оҳактоши ва тупроқли сланецлар) фойдаланилди. Дастлабки материалларнинг кимёвий таркиблари 4-жадвалда келтирилган.

#### 4-жадвал


### ВРБЧдан фойдаланиб клинкер синтез қилиш учун хом ашё компонентларининг кимёвий таркиби

Намуна номи	к.м.й.	Оксидларнинг миқдори, масса %							Σ
		SiO <sub>2</sub>	Al <sub>2</sub> O <sub>3</sub>	Fe <sub>2</sub> O <sub>3</sub>	CaO	MgO	SO <sub>3</sub>	R <sub>2</sub> O	
ВРБЧ	8,89	46,17	5,28	14,90	21,71	2,22	0,10	0,73	100,0
Кармана кони оҳактоши	42,01	1,09	0,37	0,29	53,67	1,21	0,23	1,13	100,0
Кармана тупроқли сланеци	5,70	58,66	15,08	6,47	4,27	4,07	0,83	4,92	100,0
Гипс тоши	22,31	0,12	0,80	0,08	31,64	2,10	42,75	0,20	100,0


Хом ашё аралашмалари таркиблари куйидаги қийматларда ҳисобланди: ТК=0,85-0,92; n=2,40-2,54; p=0,82-1,50. Хом ашё аралашмаларининг реакцияга киришиш қобилятини ўрганиш (1100; 1200; 1300; 1400; 1450)<sup>0</sup>С ҳарораторалиғида 30 min. давомида олиб борилди ва ҳар бир ҳароратда таҳлил учун намуналар олинди. Аралашмаларни куйдиришда эркин СаОнинг энг кўп миқдорда ажралиб чиқиши 1100<sup>0</sup>С да юз берди ва у нисбатан паст ҳароратда жадал ўзлаштирилиб, 1400<sup>0</sup>С да куйган намуналарда 1% гача бўлди. 1450<sup>0</sup>С да 20 min. давомида синтез қилиб олинган клинкерларда эркин СаОнинг йўқлиги, таркибида 7,87% дан 13,28% гача ВРБЧ бўлган аралашмаларнинг реакцияга киришиш қобиляти юқорилиги кўрсатди. Куйдириш жарёнида хом ашё аралашмалари етилиб пишиб, клинкер минераллари ҳам яхши кристалланди (4-расм). Синтез қилиб олинган клинкерлар асосидаги цементларнинг 28 сутка қотгандан кейинги сиқилишга мустаҳкамлик чегараси 43,7-45,2 МПа ни ташкил этиб, бу кўрсаткич портландцементнинг 400 маркасини таъминлайди.

Диссертациянинг «**Минерал техноген чиқиндилардан комплекс фойдаланиб қўшимчали цементлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш**» деб номланган тўртинчи бобида ишлатилган техноген чиқинди турига қараб, шартли равишда уч қисмга бўлинган: ҚИП-тошқоли (1-қисм), ВРБЧ (2-қисм) ва ХЦЧ (3-қисм).

Ишнинг биринчи қисмида ҚИП-тошқолнинг гидравлик фаоллигини Стъюдент мезони (t) бўйича аниқлаш борасидаги технологик синовлар ўтказилди. Олиб борилган синовлар ва статистик ҳисоб-китоблар асосида тошқолнинг 0-5 mm фракцияси учун t-мезоннинг қиймати 11,14 га тенглиги аниқланди ва бу унинг ушбу фракцияси мустаҳкамлик кўрсаткичи бўйича синовга дош берганлигини кўрсатди (t=11,14 > 2,07). Тошқолнинг 5-50 mm ўлчамли фракцияси учун t-мезоннинг қиймати 2,19 бўлиб, бу кўрсаткич ҳам унинг чекланган меъёрий қийматидан (t=2,07) юқорилиги сабабли, ундан цементга қўшимча сифатида фойдаланилди.



TK=0,92; n=2,51; p=1,30



TK =0,92; n=2,40; p=0,82



TK=0,90; n=2,50; p=1,25

**4-расм. Синтез қилинган клинкерларнинг микроструктураси.**

ҚИП-тошқоли кўшиб олинган портландцементларнинг мустаҳкамлик кўрсаткичи тошқолнинг миқдори ва гранулометриқ таркибига ҳам боғлиқлиги аниқланди: миқдори бир хил бўлган ҳолда, 0-5 мм фракция кўшилган цементларнинг мустаҳкамлик кўрсаткичи 5-50 мм ўлчамли фракция кўшилган цементниқига қараганда анча юқори бўлди (5-жадвал).

**5-жадвал**

**Кўшимчали цементларни мустаҳкамлигининг ҚИП-тошқолни тури ва миқдорига боғлиқлик ҳолда ўзгариши**

Тошқолни цементдаги Фракцияси (мм) ва миқдори, %	Мўтадил шароитда қотган цементларнинг мустаҳкамлик чегараси, МПа								
	Буғлатилганда		Қотиш муддати, сутка:						Марка
	Эгилиш	Сиқилиш	Эгилишга			Сиқилишга			
			2	7	28	2	7	28	
-	4,32	28,30	3,14	5,12	6,35	17,50	28,90	43,50	400
Фракция 0-5	4,25	27,50	2,65	5,10	5,74	13,50	27,00	<b>42,00</b>	400
	4,12	25,40	2,59	4,31	5,56	12,50	26,30	<b>39,90</b>	400
	4,80	24,60	2,32	3,49	5,36	10,80	22,80	37,80	300
Фракция5-50	4,29	26,20	2,55	4,29	5,52	12,70	26,60	<b>40,40</b>	400
	4,04	25,40	2,28	4,19	5,52	11,60	25,98	<b>39,70</b>	400
	3,24	22,20	1,96	3,36	4,49	10,00	23,70	33,20	300

Тошқолнинг миқдори билан цементнинг мустаҳкамлик кўрсаткичи ўртасида тесқари боғлиқлик мавжуд бўлиб, миқдор 30% гача ошганда, цемент тошининг мустаҳкамлиги пасаяди, бу эса, қотаётган «цемент-сув» тизимида қатта миқдорда Mg(OH)<sub>2</sub> - бруситнинг кристалланиб, ички қучланиш пайдо қилиши билан боғлиқдир, чунки MgОнинг миқдори кўшимчали цементлар таркибида 7,56 дан 8,0 % гача бўлиб, бу унинг чеклаб қўйилган миқдоридан (5%) кўпроқ. ҚИП-тошқолнинг майда фракцияси кўшилганда цементнинг энг яхши кўрсаткичларга эришилди. Клинкерни 15% тошқол билан алмаштирилганда, кўшимчали цементларнинг мустаҳкамлик даражаси кўшимчасиз цементниқи каби бўлди. Рентгенфазавий таҳлил кўшимчасиз цементлар 28 сутка қотганда Са(ОН)<sub>2</sub> (d/n=0,493; 0,263; 0,193 nm), кальций гидросиликатлари CSH(B) тури (d/n=0,307; 0,280 и 0,183 nm), эттрингит ёки монокарбонат (d/n=0,982 nm) ва СаSO<sub>4</sub>.2H<sub>2</sub>O (d/n=0,798 nm), кўшимчали

цементнинг асосий гидратланиш маҳсулотлари эса эттрингит ва С-S-H гидро-силикат гели (ивифи)дан иборатлиги аниқланди. Гипснинг бир қисми клинкердаги С<sub>3</sub>А билан, бир қисми ҚИП-тошқолидаги алюминатли бирикмалар билан ўзаро таъсирлашиб, эттрингит ҳосил қилади, силикат қисми эса қуйи асосли кальций гидросиликатларига қайта кристалланади. Қўшимчали цементдаги ҚИП-тошқол ишқорли фаолантирувчи вазифасини ўтаб, унинг клинкер қисмини гидратланишини жадаллаштириб, 28 суткада гидратли структураси глобула-тангачасимон шаклдаги метамикт кўринишдаги зич жойлашган янги ҳосилалар қатламидан иборат сунъий конгломератни шакллантиради.

Қўшимчали цемент қотаётганда тузилиши деярли бир хил (икки сувли гипс, эттрингит ва гидросиликатларнинг нинасимон кристаллари) кристаллар ҳам, тузилиши билан фарқланадиган кристаллар ҳам (кальций гидроалюминати, гидроферрити ва гидорооксидларининг пластинкасимон кристаллари) ҳосил бўлади. Бундай ҳосилалар, цемент таркибидаги фаол клинкер қисмининг 15% га камайишига қарамай, қотаётган тизимда ўхшаш тузилишга эга турли кристалларнинг чатишиб яхлитланиши ҳисобига, цемент тошининг мустаҳкамлиги юқори бўлишини таъминлайди.

ҚИП-тошқолини комплекс ишлатишни назарда тутган технологик схема яратилган бўлиб, унга мувофиқ материал ёпиқ оморга жойлаштирилади ёки хом ашё хампасига тўкилади. Бошқа хом ашё компонентлар (оҳактош ва созтупроқ) ҳам худди шу тахлит сақланади. Тегирмонга улуши ўлчанган компонентлар солинади. Туйилган хом ашё аралашмаси силосларига жойланади. сўнгра у ердан ПЦ клинкери олиш учун куйдириш қурилмаси (хумдон)га йўналтирилади. Олинган клинкер анъанавий схема бўйича цемент тегирмонларида туйилади.

Ишнинг иккинчи қисмида ВРБЧни гидравлик фаоллигини O'z DSt 901-98 «Цементлар учун қўшимчалар. Фаол минерал қўшимчалар ва тўлдиргич-қўшимчалар. Техник шартлар» талабларига Стъюдент *t*-мезони бўйича мувофиқлигини аниқлашга ва улардан фойдаланиб қўшимчали цементлар олишга бағишланган. Тадқиқотларни ўтказиш учун «Қизилкумцемент» АЖ портландцемент клинкери, «INGIHSKI METALS» ҚК МЧЖнинг ВРБЧси, стандарт қум ва гипс тошидан фойдаланилди (6-жадвал).

**6-жадвал**

**Хом ашё компонентларнинг кимёвий таркиби**

Материаллар	Оксидларнинг миқдори, масса %							
	Қ.м.й.	SiO <sub>2</sub>	Al <sub>2</sub> O <sub>3</sub>	Fe <sub>2</sub> O <sub>3</sub>	CaO	MgO	SO <sub>3</sub>	Σ
Клинкер	0,75	20,54	5,19	3,56	62,04	3,60	0,62	96,3
Гипс тоши	19,10 400°C	1,52	0,13	0,14	33,04	0,20	43,46	97,59
ВРБЧ	4,89	46,17	5,28	14,90	21,71	2,22	изи	95,17

Ушбу чиқиндининг гидравлик фаоллиги қиймати Стъюдент мезони (*t*) бўйича 4,54 га тенг бўлиб, бу қиймат унинг меъёрланган қиймати 2,07дан

юқорилиги сабабли, ундан қўшимчали цементлар олишда фойдаланиш мумкин. ВРБЧдан (10-20) % қўшилган цементларнинг туйилиш майинлиги деярли қўшимчасиз цементники каби № 008 элакдаги (8-11) % қолдиқ билан ифодаланди. Қўшимчали цементларнинг 28 суткадаги сиқилишга мустаҳкамлиги (36,7-41,8) МРа бўлиб, қўшимчасиз цементнинг мустаҳкамлигига нисбатан (2-4) % юқори (7-жадвал).


Қўшимча миқдорининг 20% гача кўпайиши унинг мустаҳкамлик кўрсаткичини кескин (10,4 % га) пасайишига олиб келди. Клинкер қисми нисбатан кам (15%га) бўлган портландцементни гидратланиш жараёнига ВРБЧнинг ижобий таъсири, вольфрам рудаларини бойитиш ва ҳосил бўлган қолдиқни қайта ишлаш жараёнида чиқинди таркибидаги кумтупроқ (кремнезем) зарраларининг механик таъсир остида фаолланиши туфайли деб талқин этилди. Майин туйилган ВРБЧ иштирокида  $C_3S$ нинг гидролизланиши ва суюқ фазага  $Ca^{2+}$  ионларини ажратиб чиқариши тезлашади. Бунинг сабаби шундаки, клинкер, гипс ва ВРБЧни биргаликда туйилганда, чиқинди таркибидаги кум зарралари механик таъсир остида қўшимча равишда фаолланади ва унинг ўта майин заррачалари реакцияга киришаётган муҳитнинг бутун ҳажми бўйлаб бир текис тарқалиши сабабли  $Ca^{2+}$  ва  $OH^-$  ионларининг майин туйилган кум заррачалари юзасига қараб ҳаракатланиши осонлашади, натижада уларнинг кум заррачалари юзасида ютилиши тезлашиб, қотаётган «туйилган клинкер-ВРБЧ-гипс-сув» тизимидаги ғовакликларда  $Ca(OH)_2$  кристалланиши ва ўсиши тезлашади. Реакция муҳитидан  $Ca^{2+}$  ионларининг тез

7-жадвал

#### ВРБЧ қўшилган цементларнинг физик-механик хоссалари


